O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM
VAZIRLIGI HUZURIDAGI
“MA’NAVIYAT VA MA’RIFAT”
MARKAZI

100095, Toshkent shahar, Talabalar shaharchasi, Talabalar ko'chasi, 70
Telefon: (998-71) 246-95-43 Faks: (998-71) 246-64-75
e-mail: mm.markaz@umail.uz

“SPIRITUALITY AND EDUCATIONAL”
CENTRE UNDER THE HIGH AND
SECONDARY MINISTRY OF
EDUCATION THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100095,Tashkent city,Talabalar city,Street Talabalar,70
Phone:(998-71) 246-95-43 Fax: (998-71) 246-64-75
e-mail: mm.markaz@umail.uz

06.01.2020 № 01-07/80

Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 2019/2020-ўқув йилининг ўн тўққизинчи ҳафтасида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан мазкур ҳафта давомида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларини **“Мардлар қўриқлайди Ватанни!”** мавзусида юқори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

Машғулотлар вазирликнинг 2019 йил 24 августдаги 87-02-1986-сонли хатида қайд этилган қуйидаги эслатмалар асосида ташкиллаштирилиши лозим:

“Ахборот ва мураббийлик соати” 4 босқичдан иборат бўлади.

1-босқич (20 дақиқа). Ахборотлардан хабардорлик ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан қисқача танишиш. Мазкур масала бўйича матн ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан дарс ўтиладиган кундан бир кун аввал тайёрланади.

2-босқич (20 дақиқа). Ахборот соати мавзусини ёритиш. Бу босқич иловада берилган мавзу матни асосида ўтказилади.

3-босқич (20 дақиқа). Талабалар билан фазилатлардан бири ҳақида суҳбатлашиш ва шу фазилатни кенг тарғиб қилиш. Мазкур фазилатнинг зидди бўлган иллатдан сақланишга чорлаш. Ҳар бир мавзуда келтирилган фазилат маъно-мазмуни ёритилиб, улар ҳақида ҳадис, мақол, ҳикматли сўз, ривоят ва бошқалар келтирилиши лозим.

4-босқич (20 дақиқа). Бадиий адабиётлар билан танишиш босқичи. Мазкур босқичда албатта шу ой учун мўжалланган китоб ҳақида қисқача маълумот берилиши лозим.

Дарс ўтиш ҳафтасидаги вазиятга қараб мавзулар олий таълим муассасалари томонидан ўзгартирилиши ёки бойитилиши мумкин.

Илова: 15 бет.

Ҳурмат билан,

“Маънавият ва маърифат” маркази директори **О.А.Худайназаров**

Ижрочи: А.Раҳимов, markaz.mtg@edu.uz
Тел.: 246-95-43

Марказнинг 2019 йил "06" январдаги 01-07/10 -сонли хатига илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

қ а р о р и

http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-farmatsevtika-tarmo-ida-islo-otlarni--30-12-2019

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ "2020 ЙИЛ УЧУН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

қ а р о р и

http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasining-2020-yil-uchun-zbekiston-respubli-31-12-2019

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: 2020 ЙИЛ ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ТУБ БУРИЛИШ ЙИЛИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашув ўтказди.

Охирги йилларда ўсиб келаётан авлодга ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, Ёшлар масалалари бўйича республика идораларо кенгаши тузилди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилиб, 30 июнь Ёшлар куни деб эълон қилинди. Ҳозирда Иттифоқнинг 7 миллион 690 минг нафар аъзоси мавжуд.

Жойларда 8 нафар ёш авлод вакиллари ҳоким ўринбосари этиб тайинланган. Яқинда бўлиб ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 9 нафар йигит-қиз сайланган, маҳаллий кенгашларда ғалаба қозонганларнинг қарийб 10 фоизини ёшлар ташкил этади.

– Ёшлар орасида "Мен Сизнинг ёнингизда туриб, камарбаста бўламан!" деб кўзи ёниб турган, билимли, жасоратли йигит-қизлар борлигига ишонаман. Етакчиликнинг, ўз ортидан эргаштиришнинг энг тўғри йўли шахсий ўрнак ва намуна бўлишдир, – деди Президент.

Учрашувда ёшлар ҳаётидаги муаммолар, долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Юртимизда ёш раҳбарларни саралайдиган, уларнинг лаёқатига мос лавозимларни таклиф этадиган самарали механизм мавжуд эмаслиги айтиб ўтилди.

Глобаллашув шароитидаги хавф-хатарлар ва мафкуравий хуружлар ҳақида сўз борар экан, Президент маърифатпарвар бобомиз Фитратнинг "Бу дунё кураш майдонидир.

Соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон қуролидир", деган сўзларини ёдга олди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

Беш ташаббуснинг ҳар бир йўналишини туман ва шаҳарларда тизимли амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Ўтган йили мамлакатимизда буюк аллома Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Ёш математиклар халқаро олимпиадаси муваффақиятли ўтказилган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу тажриба асосида физика бўйича Аҳмад Фарғоний, кимё фани бўйича Абу Райҳон Беруний, биология бўйича Абу Али ибн Сино, астрономия бўйича Мирзо Улуғбек номларидаги халқаро фан олимпиадалари ташкил этиш таклифини илгари сурди.

Ёшлар иттифоқи негизида Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этиш ташаббуси йиғилганлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўсиб келаётган авлод аудиториясига йўналтирилган теле - радиоканаллар, босма нашрларни бирлаштириб, "Ёшлар медиа холдинги" ташкил этиш таклифи ҳам билдирилди.

– Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қурамиз. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади, – дея таъкидлади Президент.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда навқирон авлод вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Давлатимиз раҳбари уларнинг таклифлари бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Йиғилишни видеоконференция орқали мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ёшлар кузатиб борди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОННИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 декабрь куни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти - Элбоши Нурсултон Назарбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев кириб келаётган янги - 2020 йил муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, эзгу тилакларини изҳор қилдилар.

Якунига етаётган йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим натижаларга эришилгани таъкидланди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ортиб бормоқда, саноат ва транспорт соҳаларидаги кооперация кенгаймоқда, ҳудудлараро ва гуманитар

алоқалар фаоллашди. Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасидаги тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари иккинчи Маслаҳат учрашувининг самарали натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Икки томонлама ҳамкорликка оид, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 декабрь куни Қирғиз Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари кириб келаётган Янги йил муносабати билан бир-бирларига самимий табрик ва эзгу тилаклар билдирдилар.

Таъкидлаш жоиз, 2019 йил мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди.

Ўзаро алоқалар жадаллашди, савдо кўрсаткичлари икки баробар ўсди, саноат ва транспорт соҳаларида кооперация лойиҳалари илгари сурилмоқда, ҳудудлар ўртасидаги ва маданий-гуманитар ҳамкорлик кенгайиб бормоқда.

Суҳбатда давлат раҳбарлари Тошкент шаҳрида ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви якунларини юксак баҳоладилар.

Ўзбекистон-Қирғизистон ҳамкорлигининг истиқболлари ҳамда 2020 йилга мўлжалланган икки томонлама тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ВА ГУРБАНГУЛИ БЕРДИМУҲАМЕДОВ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ СЎЗЛАШДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 декабрь куни Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Икки қардош мамлакат раҳбарлари кириб келаётган Янги йил муносабати билан бир-бирларини самимий қутладилар.

Жорий йил ноябрь ойида Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи ҳамда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкентда ўтган иккинчи Маслаҳат учрашувининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги муносабатлар мустаҳкамлангани, экспорт-импорт амалиётлари ҳажмининг ошгани, энергетика, қишлоқ хўжалиги, саноат ва транспорт соҳаларида кооперация лойиҳалари амалга оширилаётгани икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим натижалари сифатида эътироф этилди.

Маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш муҳим экани таъкидланди.

Суҳбат чоғида минтақавий ҳамкорлик ва халқаро сиёсатга доир масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 30 ДЕКАБРЬ КУНИ ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭМОМАЛИ РАҲМОН БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ.

Давлат раҳбарлари янги - 2020 йил кириб келаётгани муносабати билан бир-бирларини самимий табрикладилар.

Жорий йил кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик алоқалари янада ривожланган ва мустаҳкамланган давр сифатида икки томонлама муносабатлар тарихида қолиши таъкидланди.

Ҳукуматлар, парламентлар ва ҳудудлар, жумладан, Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Ўзаро савдо ҳажми салмоқли даражада ошмоқда, иқтисодиёт тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда, маданий-гуманитар алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Суҳбат чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Жорий йил ноябрь ойида пойтахтимизда ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари иккинчи Маслаҳат учрашувининг натижалари муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 декабрь куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари кириб келаётган Янги йил билан бир-бирларини самимий қутладилар.

2019 йил мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим бўлгани мамнуният билан таъкидланди. Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида киришининг тарихий аҳамияти қайд этилди.

Турли даражадаги алоқалар сезиларли фаоллашди, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик изчил ривожланмоқда, истиқболли қўшма лойиҳалар амалга оширилиб, илмий-техник ва маданий-гуманитар алмашинувлар кенгаймоқда.

Мулоқотда Президентлар бўлажак олий даражадаги учрашувлар сиёсат, иқтисодиёт, транспорт коммуникациялари, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишлардаги ўзаро манфаатли шерикликни янада мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: РАҚАМЛАР ЭМАС, НАТИЖА ЗАРУР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг охирги иш кунида парламент палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари билан учрашиб, йил якунларини сарҳисоб қилди ва 2020 йилдаги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Мамлакатимизда барча соҳаларда дадил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт тармоқларини замон талаблари асосида модернизация қилиш, ҳудудларнинг имкониятларини тўла юзага чиқариб, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ташаббус ва таклифлар қўллаб-қувватланиб, молиявий, ташкилий жиҳатлари ҳал қилиб берилмоқда.

Бундай кенг кўламли ишлар натижаси ҳар бир жабҳада сезиляпти. Илгари иложсиздек туюлган масалаларга ечим топилмоқда. Энг муҳими, халқнинг турмуш шароитлари яхшиланмоқда, оддий одамлар давлатдан, ҳаётдан рози бўляпти.

Юртимиздаги ўзгаришларни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олмоқда. Хусусан, дунёдаги энг нуфузли нашрлардан бири бўлган Буюк Британиянинг "Экономист" журнали Ўзбекистонни 2019 йилда энг жадал ислоҳотларни амалга оширган давлат – "Йил мамлакати" деб эътироф этди.

Шунингдек, Жаҳон банкининг 2019 йилдаги "Бизнес юритиш" рейтингида ҳам Ўзбекистон энг илғор ислоҳотчи мамлакатлар қаторидан ўрин олди.

Бундай муваффақиятлар 2020 йилда ҳам давомли бўлиши, янада яхшиланиши учун тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларни бажариб, энг юқори натижаларни таъминлаш лозим.

Давлатимиз раҳбари бугун эришилган натижалар ҳали марра эмаслиги, олдимизда аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш учун 2020 йил синов йили бўлишини таъкидлади.

Йиғилишда 2019 йилда йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб, 2020 йилга белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш, масъул ижрочилар ва муддатларни белгилаб олиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, бевосита жойларга бориб, уларнинг ижросини ташкил қилиш ва доимий назоратни таъминлаш кераклиги айтиб ўтилди.

Вазирлар Маҳкамаси ижро ҳокимияти фаолиятини самарали ташкил этиб, ҳар бир вазирлик, давлат қўмитаси ва бошқа идораларнинг 2020 йил ҳар чораги учун фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини ишлаб чиқиб, ижросини қатъий назоратга олиши зарурлиги қайд этилди.

Келгуси йилда давлат корхоналарини самарали бошқариш ва иқтисодиётда давлат улушини камайтириш бўйича жиддий ўзгаришлар қилиш зарурлиги таъкидланди.

Инвестиция дастуридаги инфратузилма объектларини қуриш ва ишга тушириш бўйича янги тизим жорий этиш, транспорт, айниқса, темир йўл ва авиация соҳасида бошланган ислоҳотларни жадаллаштириш вазифаси қўйилди.

Қурилиш-пудрат ва лойиҳа бозорини тартибга солиш, бу бозорда эркин рақобат муҳитини ва замонавий шаҳарсозлик меъёрларини жорий этиш, қурилишни арзонлаштириш бўйича топшириқлар берилди. Шу билан бирга, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти соҳасидаги долзарб вазифаларни амалга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни пасайтириш, нарх-навони шакллантиришни тўлиқ бозор муносабатларига ўтказиш, эркин рақобат муҳитини шакллантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, истеъмол товарларни, айниқса, озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва харажатларни камайтириш орқали нарх-навонинг кескин ошишига йўл қўймаслик керак.

Банк тизимидаги ислоҳотларни давом эттириш, қулай ва сифатли банк хизматларини кенгайтириш ҳам муҳимлиги таъкидланди.

Халқимизда тадбиркорлик ташаббусларини ошириш, бокимандалик кайфиятидан халос этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Мамлакатимизда қулай бизнес муҳитини яратиш, жумладан, солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш, ахборот технологияларини кенг қўллаш ва инсон омилини максимал қисқартириш зарурлиги таъкидланди.

Ташқи савдо ва инвестиция борасидаги ишларни самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар ва хорижий кредитларни самарали ишлатиш, уларни аниқ натижа берадиган лойиҳаларга йўналтириш, инвесторлар билан манзилли ишлашни янги босқичга олиб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Шунингдек, хорижий ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ва лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил этиб, аниқ натижаларни таъминлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш, экспортнинг таркиби ва географиясини диверсификация қилиш, янги бозорларга чиқиш учун ташқи савдони тубдан такомиллаштириш талаб этилади. Божхона, стандарт, карантин каби соҳаларни ислоҳ қилиб, уларни тадбиркорга кўмакчига айлантиришни тақозо этади.

Йиғилишда таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва бошқа ижтимоий соҳалардаги ислоҳотларни изчил давом эттириш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Келгуси йилда туристлар оқимини 7,5 миллионга етказиш ва хизматлар экспортини 1,5 миллиард доллардан ошириш бу соҳадаги энг устувор вазифалиги кўрсатиб ўтилди.

Ёшларни, айниқса, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашга эътиборни кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Президентимиз таъкидлаганидек, оила олдидаги масъулиятни англаш, психологик тайёргарлик ва оиладаги муносабатларни тўғри ўрнатиш, оилада соғлом муҳитни ярата олиш зарур.

Агросаноат мажмуига кирувчи тармоқ ва соҳа раҳбарлари учун Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросини таъминлаш келгуси йил учун энг устувор вазифа бўлиб қолади. Бунда, пахта, ғалла, шоли кластерларига керакли шароитлар

яратиш, янги тизимда юзага келадиган муаммоларни мунтазам таҳлил қилиб, уларни бартараф қилиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда нефть-газ, кимё тармоқлари, энергетикани ривожлантириш, ушбу соҳаларга хусусий сектор ва инвестицияларни фаол жалб қилиш, хомашё қазиб олишни кўпайтириш бўйича зарур топшириқлар берилди.

Йиғилишда белгиланган топшириқларни тўлиқ ва сифатли амалга ошириш учун барча раҳбарлар ўз тизимида пастга тушиб, ходимлар ва ресурсларни максимал даражада сафарбар қилиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз томонидан қўтарилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Сенати Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери, Бош вазир ва ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари йиғилишда сўзга чиқиб, берилган топшириқларни сифатли бажариш бўйича соҳаларда тизимли ишларни йўлга қўйишларини таъкидладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Мана шу қувончли лаҳзаларда сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман! Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт тилайман!

Ўтиб бораётган йил мамлакатимиз учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Турли қийинчилик ва синовларни ҳам бошимиздан кечирдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да улкан ютуқларга эришдик. Мамлакатимиз салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш йўлида янги қадамлар қўйилди.

Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал ривожланмоқда. Юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар, янги транспорт тизимлари ишга туширилмоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз, мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, мўл ҳосил етиштирдилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди.

Йил давомида ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз, хотин-қизлар учун кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгармоқда.

2019 йилда минг-минглаб юртдошларимиз, жумладан, кам таъминланган оилалар шинам уй-жойларга эга бўлдилар.

Илм-фан, таълим ва тарбия соҳасида туб бурилиш даври бошланди.

Янги-янги боғча ва мактаблар, олий ўқув юртлари, етакчи хорижий университетларнинг филиаллари, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда.

Энг муҳими, одамларимизнинг ҳаёт даражаси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи тобора кучаймоқда.

Жамиятимизда демократия тамойиллари, очиқлик ва эркинлик муҳити чуқур қарор топмоқда.

Куни кеча Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар буни яққол тасдиқлади. Сайловлар Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан ортга қайтмаслигини яна бир бор исботлади.

Мустақиллигимиз, осойишта ҳаётимиз кафолати бўлган Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Тинчликсевар ва амалий ташқи сиёсат олиб бораётган давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бормоқда.

Мухтасар айтганда, 2019 йил янги Ўзбекистон тарихида ҳар томонлама ёрқин из қолдирмоқда.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз миллий юксалишнинг муҳим босқичига қадам қўймоқдамиз.

2020 йилда ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг кўламли ислоҳотларимизни фаол давом эттирамиз.

Хусусий мулк, тадбиркорлик ва бизнес учун янада қулай муҳит яратишга, янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратамиз. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли реал даромадларини кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Одамларимизнинг яшаш шароитини, коммунал-маиший хизмат сифатини яхшилаш, арзон ва қулай уй-жойлар қуриш бўйича бошлаган ишларимизни янада кенгайтирамиз.

Фарзандларимизга муносиб таълим ва тарбия беришга, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган ишларимиз янги босқичга кўтарилади.

Нуроний фахрийларимиз, мунис опа-сингилларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтирамиз.

Ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож юртдошларимизни доимий қўллаб-қувватлашга биринчи даражали аҳамият берамиз.

Тинчлик ва барқарорликни, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва аҳилликни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Бу борада дунё ҳамжамияти, аввало, ён қўшниларимиз билан самарали ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтирамиз.

Азиз юртдошларим, қадрдонларим!

2020 йил ҳар бир оила, ҳар қайси хонадонга қут-барака, бахт ва омад олиб келсин!

Барча эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқсин!

Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ОТМ РЕКТОРЛАРИ ТОШКЕНТДА ЯНГИ ОЧИЛГАН ИККИТА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИЛАР

Жорий йилнинг 4 январь куни Олий ва ўрта махсус таълим вазири Иномжон Мажидов бошчилигида республикадаги барча олий таълим муассасалари ректорлари, хорижий олий таълим муассасаси филиаллари директорлари, малака ошириш тармоқ марказлари директорлари, Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари бошлиқларидан иборат делегация Тошкент шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган иккита ихтисослаштирилган мактаб фаолияти билан танишди.

Олий таълим тизими делегацияси дастлаб Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги фармойиши билан ташкил этилган Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ва музейни бориб кўрди.

Ижод мактабида яратилган шарт-шароит ва ўқув жараёнлари билан танишиш асносида вазир олий таълим муассасалари ижод мактаблари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга, ёш иқтидор эгаларини рағбатлантириш доимо тайёрлигини маълум қилди.

Шундан сўнг гуруҳ аъзолари Тошкент шаҳридаги яна бир янги таълим маскани — Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб фаолияти билан ҳам танишдилар.

Делегация бу ерда ўқувчи иқтидорини намоён қилиш учун яратилган бутун бир мажмуа: замонавий жиҳозланган ўқув хоналари, илғор педтехнология ва инновацион методлардан фойдаланган ҳолда дарсларнинг олиб борилиши, дарсдан ташқари пайтда бола иқтидорини ривожлантириш учун йўлга қўйилган тизим, ўқувчилар турар жойларида кенг имкониятлар яратилганлигига гувоҳ бўлишди.

Ташриф давомида Иномжон Мажидов мактабда ўқувчи вақтини тўғри тақсимлаш ва дарс жараёнларини самарали олиб бориш, қолаверса, ўқувчининг иқтидорини рағбатлантириш мақсадида улар билан индивидуал ишлашни йўлга қўйишда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари билан яқиндан ҳамкорлик қилишни таклиф қилди.

УШБУ ҲАФТА “АХБОРОТ ВА МУРАББИЙЛИК СОАТИ” МАШҒУЛОТЛАРИНИ МАВЗУСИДА ЎТКАЗИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН ЁРДАМЧИ МАТЕРИАЛЛАР

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!!!

Миллий Армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир

Миллий армия – ҳар қандай давлатнинг энг муҳим **институтларидан бири** ҳисобланади. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш ва ривожлантириш шароитида Миллий Армиянинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаб ўтганидек, “Ҳозирги кунда дунёда олдиндан айтиш қийин бўлган вазият ҳукм сураётган мураккаб бир шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, биз 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантиришни устувор йўналишларидан бири сифатида белгиладик.”[1] деб, таъкидланган сўзлари **Миллий Армиямиз**, унинг **бугунги куни** ва **келажаги** учун ҳам тааллуқлидир. Чунки, ҳуқуқий **давлат ва фуқаролик жамияти** барқарор характерга эга бўлганда, Армиянинг вазифаси давлат чегаралари ва ҳудудини ҳимоя қилиш, унинг замонавий харбий техника ва қурол-яроғ билан таъминланганлиги, шахсий таркиб салоҳиятининг юксак даражада бўлишини тақозо этади.

Бугун ўтган йигирма саккиз йиллик тарихга назар ташласак, миллий армиямизнинг барпо бўлиши, мустаҳкамланиши ва ривожланиши Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши, босқичма-босқич ривожланиш жараёнлари, эришилган натижа ва ютуқлар билан **узвий боғлиқ** эканлигини ва унинг **тасдиғи сифатида** мустақиллик, хавфсизлик ва истиқболимизнинг кафолати бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучлари томонидан бу соҳада амалга оширилган жуда катта ишлар далолат беради.

Бу қисқа, аммо кўлами ва аҳамияти жиҳатидан асрларга тенг бўлган даврда амалга оширилган ўзгаришлар ва ютуқлар ҳақида тўхталиб, унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Биринчидан, ўтган қисқа давр давомида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, шунингдек, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, уни турли таҳдидлардан асраш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш вазифалари билан уйғунлашиб кетганлигини, аниқроқ ифодалганда эса, миллий армиямиз мамлакат мустақиллигини мустаҳкамловчи, халқимиз ҳаётининг осуда ва барқарор бўлишини кафолатловчи асосий омилга айланганлиги билан катта аҳамиятга эга.

Иккинчидан, Қуролли Кучларни замон талаблари асосида шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида **амалга оширилаётган ислоҳотларнинг долзарблиги**, унинг моҳияти ва амалий аҳамияти нақадар залворли эканлигини ва энг муҳими унинг давлат ва жамият ҳаётидаги амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар билан ҳамоҳанглиги билан белгиланади.

Учинчидан, мустақилликни ҳимоя қилувчи, тинчлик, осойишталикни мустаҳкамлашнинг муҳим **яна бир омили**, бу бугунги кунда мамлакат Қуролли Кучларини замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланганлиги, ихчам ва ҳаракатчан, замон талабларига жавоб бера олиши билан ажралиб туради.

---

[1] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги. “Халқ сўзи” газетаси 2018 йил 13 январ.

Тўртинчидан, Армиямизнинг миллий ва умуминсоний **қадриятлар**, аждодларимизнинг тарихий жанговор анъаналарига, шунингдек, қисқа давр мобайнида биз яшаётган ўта мураккаб даврнинг ҳар қандай муаммоларини ўз вақтида ҳал қилишга қодир бўлган кучнинг яратилганлиги билан муҳимдир.

Бешинчидан, Қуролли Кучларимизнинг мамлакатимиз **янги Мудофаа доктринаси** асосида Марказий Осиёдаги мавжуд хавф-хатарлар, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишта ҳаётини бузишга қаратилган турли-туман хуружларни олдини олишга қаратилганлиги унинг муҳим хусусиятли томонларидан яна биридир.

Олтинчидан, юртимиз хавфсизлиги, халқимиз тинчлиги ва мамлакатимиз истиқболини таъминлаш, **миллий армиямизни мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотларни халқимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланганлиги** катта аҳамиятга эга бўлди.

Еттинчидан, Қуролли Кучларимиз вакилларининг **охирги уч йил, яъни 2017-2019 йилларда** халқаро миқёсдаги харбий машқ тадбирларида **фаол иштирок** этаётганлиги, **харбий маҳоратини** изчил равишда ошиб бораётганлиги, фавқулодда ҳолат ва кутилмаган синовларда матонат билан тура олишга қодир бўлган ҳарбийларимизнинг жисмоний тайёргарлиги, интеллектуал салоҳияти, алоҳида руҳий-маънавий фазилатларга эгалиги **тинчлик ва барқарорлик кафолатига** айланди.

Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тизимида Армиянинг ўзига хос ўрни ва роли мавжуд бўлиб, улар маълум шарт-шароитлар, мамлакатда олиб борилаётган сиёсатнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалий фаолият кўрсатиш **мезонлари ҳам ўзгариб** кетиши мумкин. Чунки, Армия маълум шарт-шароитларда сиёсатнинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ҳар қандай таҳдид ва хатарларга муносиб зарба беришга тайёр миллий армиямиз – халқимиз, мамлакатимизнинг ишончли ва мустаҳкам қалқонидир. Шунинг учун биз ҳозирги кунда ҳарбий кадрларнинг жанговор қобилияти ва тайёргарлиги билан бирга, ватанпарварлик тарбиясига жиддий аҳамият қаратяпмиз. Яъни ҳар бир аскар ва сержантда, офицер ва генералда, бутун шахсий таркибда миллий рух ва ғурур, кучли бўлиши керак. **Миллий рух, бу – енгилмас куч. Миллий рух кучли бўлса, ирода, жанговор салоҳият ҳам юқори бўлади.** Келажакда ҳарбий бўлишни орзу қиладиган ботир фарзандларимиз миллий руҳни, муқаддас Ватан тақдири учун масъулият туйғусини қаердан олади? Ватанимиз бой тарихидан, Амир Темур каби буюк аждодларимиз жасоратидан олади. Ўз оиласи, меҳрибон ота-онаси ҳамда эл-юртимизнинг ишончи, ғамхўрлиги ва эътиборидан олади. Ёшларга ҳамиша ўрнак ва намуна бўлиб келаётган сиз каби фидойи ҳарбийлардан олади"[2], деб таъкидлаган сўзларида чуқур маъно, мазмун ва моҳиятга эга эканлигига алоҳида эътибор қаратиб ўтиш жоиздир.

[2] Мирзиёев Ш.М. Миллий Армия ва халқимиз қанча яқин, бир тану бир жон бўлса, шунча қудратли бўлади/"Халқ сўзи" газетаси 2018 йил 13 январ.

Умуман олганда, Қуролли Кучларнинг нафақат мамлакат чегараси, сарҳадлари, халқ тинчлигини ҳимоя қилиш, балки мамлакатда кечаётган жараёнларни, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий характерга эга бўлган долзарб масалаларни муваффақиятли ҳал этилишида, илмий-техника тараққиётини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини ишончли равишда таъминлаш йўлида ҳам **ўз ўрни ва муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатиб ўтиш** зарур.

Айниқса, бугунги кунда дунёда жадаллик билан кечаётган глобал ўзгаришлар, терроризм, наркобизнес, айрим мамлакатларининг ички ишларига аралашиш, "демократияни экспорт қилиш", халқаро ҳуқуқ меъёрларни бузилиши каби ҳолатлар рўй бераётган бир даврда **харбийларнинг ватанпарварлиги, юксак ахлоқи ва маънавияти ўта муҳим бўлган омилга айланиб** бораётганлиги бежиз эмас.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаларида ҳозирда жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётганлиги, унинг таъсир доирасини эътиборга олиш, биз, бугунги кунда дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз, мамлакатимз иқтисодиётини янада юксалтириш ва халқимиз фаровонлигини ошириш шарт эканлигига **алоҳида эътибор** берилган.

Ҳозирги даврда, айниқса ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилаётган шароитда миллий Армиямиз фаолиятида аниқ шакллантирилган **ахлоқий қарашлар ва қадриятлар тизими зарур, деб ўйлаймиз**. Уларни шартли равишда **учта соҳага**: **давлатчилик** (ижтимоий-демократик қурилиш, халқнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий манфаатлари, унинг ҳаёти, эркинлиги ва мустақиллигини, мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, Конституция ва қонунларга садоқат ва бошқалар), **демократик** (шахс қадр-қимматини ҳимоя қилиш, барчани Қонун олдида тенглиги, ижтимоий тенглик бўйича дахлсиз ҳуқуққа эгалик, мамлакат фуқароларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини амалга ошириш ва бошқалар), **ахлоқий-этник** (Ватанга, ўз халқига муҳаббат, бошқа халқлар суверентитетига, миллий ўзига хослигига ҳурмат билан қараш, қабул қилинган қасамёдга, фуқаролик ва ҳарбий бурчга садоқат, жангчи-фуқаро, Ватан ҳимоячиси ор-номуси ва қадр-қимматини сақлаш, ўз шахсий виждони, дўстлик ва аскарлар биродарлиги, унвони ва ёши улуғларга ҳурмат, аёлларга эҳтиром, ўз миллий маданиятини ҳурмат қилиш, авлодларнинг урф-одатлари ва анъаналарини, Ватан тарихини кўз қорачиғидек асраш ва бошқалар) бўлиш мумкин.

Юқорида таъкидланган хусусиятлар Армиямиз ҳаётида, харбийларимиз фаолиятида ва келажакда Ватан сарҳадларини қўриқлайдиган ёшларнинг

ватанпарварлиги, шахсий масъулияти ва мардлигида ўз ифодасини топишига ишонамиз.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир" номли маърузасида: "Барчамизга яхши маълумки, ҳозирги кунда дунё шиддат билан ўзгармоқда. Инсониятнинг тақдири ва келажагига таҳдид солаётган хавф-хатарлар тобора кучайиб бормоқда.

Жаҳон микёсида шафқатсиз рақобат, турли зиддият ва қарама-қаршиликлар, савдо урушлари ғоят кескин тус олмоқда.

Мана шундай мураккаб шароитда биз фақат халқимизнинг ақл-заковати, букилмас иродаси ва салоҳиятига, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб, айни вақтда дунё ҳамжамияти билан ҳамкор бўлиб, дадил олдинга боришимиз шарт."[3], деган сўзлари заминида мустақилликни, миллий хавфсизлигимизни, юртимиз тинчлигини кўз қорачиғидек асрашга қаратилган **буюк даъват** ётибди.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Ўзбекистондек жаннат макон, гўзал ва бетакрор диёримизнинг дунёга танилишида Миллий Қуролли Кучларимизнинг салмоқли ўрни бор. Мамлакатимиз тинчлиги, хавфсизлигини таъминлаш, тараққиёти ва фаровонлиги йўлида Қуролли Кучларимиз хизматчилари зобит ва аскарлари куну – тун зийраклик билан Мамлакатимиз сарҳадларини қўриқламоқдалар.

Ватанни химоя қилиш асрлар давомида шаклланиб келган. Мустақилликка эришган кунимиздан бошлаб буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг "тузуклари" асосида алп қоматли йигитларимиз шараф деб билган Миллий Армиямиз хар жиҳатдан мустаҳкамланди. Замонавий қурол яроғларни моҳирлик билан бошқарадиган билимдон хизматчилар билан таъминланган қўшин турлари шаклланди. Ҳарбий хизматчиларимизга ҳукуматимиз томонидан чексиз ғамхўрликлар қилинмоқда.

Миллий Армиямиз замонавий ҳарбий машиналар ҳамда энг сўнги русумдаги қурол аслаҳалар билан таъминланмоқда. Жисмонан чиниққан, ҳаракатчан маҳоратли мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозирда ҳар бир мард ўғлон Миллий Армиямиз сафида хизмат қилишга юксак ишонч ва хоҳиш билдирмоқда. Чунки Мустақиллик неъматларини тушуниб етмоқдалар. Қуролли Кучларда хизмат қилишни ўзлари учун шараф деб билмоқдалар, уларнинг ота – оналари эса фарзандининг Ватан ҳимоячиси бўлганидан фахрланмоқдалар.

[3] Мирзиёев Ш.М. "Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир". Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маруза // Халқ сўзи, 2019 йил, 9 декабрь.

Озод ва обод бетакрор гўзал Ватанимизнинг тинчлиги, ободлиги, фаровонлиги йўлида хизмат қилаёган мард ўғлонларимизни Аллоҳ таоло ўзи паноҳида асрасин. Мустақиллимизни ёмон кўзлардан сақласин, зеро мардлар қўриқлайди Ватанни.

Азиз юртимиз ўз мустақиллигига эришиб, ота-боболаримизнинг азалий орзу-умидлари рўёбга чиқди. Истибдод исканжасидан озод бўлиб, миллатнинг том маънода эзилишига, ҳуқуқлари поймол этилиб, ҳар томонлама камситилишига чек қўйилди. Мустақиллик шарофати сабаб бугун юртимиз обод, оилаларимиз тинч. Ватанга муҳаббат ҳар бир инсонга хос туйғудир.

Маълумки, муқаддас динимизда Ватан ҳимояси масаласига жиддий эътибор берилган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) эрта тонгда ва кеч тушганида Аллоҳ таолодан посбонлар ва ҳимоячилар ҳақларига кўп дуолар қилганлар.

Чиндан ҳам, юртимиз, қолаверса, бутун дунё тарихига бир назар солсак, Ватанга муҳаббат туйғулари ривожланган жойда ҳар тарафлама бунёдкорлик, ободончилик, тўкинлик, мўл-кўллик ва фаровон турмушнинг гувоҳи бўламиз. Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу): «**Аллоҳ таоло юртларни Ватан муҳаббати билан обод қилди**», деганлар. Ва яна: **«Агар Ватан муҳаббати бўлмаганида юртлар хароб бўларди»**, деганлар.

Зотан, инсоннинг ўз Ватанига, яшаб турган гўшасига меҳр-муҳаббати бўлмаса, ҳеч қачон ўзи яшаб турган жойда ҳар тарафлама қулай шарт-шароитлар ва имкониятлар бўлишига эътибор бермайди. Бундай инсонлар учун нафақат Ватан туйғуси, балки бошқа барча ижобий ҳиссиёт ва муқаддас туйғулар бегонадир. Бундайлар учун Ватан деган тушунчанинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Бу ҳолат эса бизнинг **шариатимизда қаттиқ** қораланади. Аксинча, динимизда Ватан ва унга боғлиқ бўлган қадриятларни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш мадҳ этилади, ҳатто бу борада қилинган ҳаракатлар ва шу йўлда **жон фидо қилиш охиратда буюк мақомларга** эришиш учун восита экани зикр қилинади.

Шайх Муҳаммад Ғаззолий айтган эканлар: **Инсон ўзи туғилиб-ўсган юртни, ундаги барча нарсаларни севади, гарчи у жой одам яшамайдиган саҳро бўлса ҳам. Ватанни севиш инсон қалбидаги асл, туғма табиатдир. Ушбу туғма табиат инсонни ватанида яшаб турганда хотиржам қилади, ундан йироқда бўлганда эса соғинтиради, унга ҳужум қилинганда уни ҳимоя қиладиган, ҳурматсизлик қилинганда ғазабланадиган қилиб қўяди.**

Имом Ғаззолий ушбу ҳикматли сўзларидан Ватанни севиш инсоннинг туғма табиати, инсонийлик фитратида бор хислат экани маълум бўлади.

Яна бир тоифалар борки, уларнинг қалбига Аллоҳ таоло Ватан муҳаббатини солиб қўйган. Улар ана шу муҳаббатнинг натижаси ўлароқ ҳаракат қиладилар. Уларнинг мазкур ҳаракати, жонкуярлиги, ғайрат-шижоати туфайли, аввало, ўзининг оиласи, яшаб турган хонадони ҳар тарафлама обод бўлади, ташқи ҳужум ва тажовузлардан ҳимояланган бўлади. Бу ерда Ватанни, юртни обод қилиш деганда фақатгина зоҳирий, моддий ва молиявий ободликни назарда тутмаслик керак. Том маънодаги ободлик,

аввало, маънавий, ахлоқий, тарбиявий бўлади, чунки инсоннинг асл мукаррамлилиги ҳам унинг маънавияти, ахлоқ-одобига тегишлидир.

Ватан ҳимояси – олий бурч, юксак масъулиятдир. Зотан, Ватанни мардлар қўриқлайди. Ватан ҳимояси, мудофааси йўлида хизмат қилишни шараф ва ифтихор деб билиш лозим. Бу ҳақда, яъни Ватанни ҳимоя қилиш тўғрисида динимизда қандай кўрсатмалар баён этилган?

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилиб, бундай деганлар:

"Молини, жонини, динини ва аҳлу аёлини ҳимоя қилиш йўлида ҳалок бўлган киши шаҳидлик мақомини топур" *(Имом Термизий ривоят қилган).*

Ушбу ҳадисда моли, жони, дини ва аҳлу аёлини ҳимоя қилишнинг нақадар улуғлиги таъкидланмоқда. Инсон Ватан деганда, аввало, шуларни тушунмайдими? Албатта, Ватан деганда зоҳиран инсоннинг аҳли аёли, фарзанду зурриётлари, мол-дунёси ва жонининг ҳимояси тўлиқ таъминланган жой тушунилади. Шунинг учун ҳадиси шарифда ўзининг бутун борлиғи, дин-диёнати ва барча қадр-қийматга эга бўлган нарсаларини ҳимоя қилиш йўлида жон фидо қилиш шаҳидлик мақомига эриштирувчи воситаларидан бири, деб таърифланмоқда. Бу эса ҳар бир йигитни ватанпарварликка, она юрт учун фидокор фарзанд бўлишга чақиради.

Яна бир ҳадисда бундай марҳамат қилинган:

"Кимки Аллоҳ йўлида бир кун ёки бир кеча чегара пойласа, унга бир ой кундузи рўза тутиб, кечаси ибодат қилганлик савоби ёзилади. Кимки сарҳадни қўриқлаб турганда ҳалок бўлса, унга ҳам худди шундай ажру савоб мукофоти бўлади ва шаҳидлик мақоми берилиб, барча фитналардан омонда бўлади" *(Имом Насоий ривоят қилган).*

Бу ҳадиси шарифда Ватанпарварликка янада аниқ ва муфассалроқ тарғибот ва ташвиқот маънолари бор. Қолаверса, мазкур ишлар ибодатларнинг энг савоби кўпроғи бўлмиш тунги ибодатларга қиёс қилинаяпти.

Бошқа бир ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **"Икки кўзга дўзах ўти тегмайди: Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган кўзга ва Аллоҳнинг йўлида қўриқчилик қилган кўзга",** деганлар.

Чегара ва сарҳадлар хавфсизлигини таъминлаш учун сергак турган аскар барча юртдошларини тинч-хотиржамликда, осойишталикда дам олиб, роҳатланишлари учун бедор бўлади. Шунингдек, ана шундай Ватан хизматида турган ҳолатда ҳалок бўлганларга шаҳидлик мақоми берилиши, уларнинг ҳар хил фитналардан омонда бўлиши кафолатланмоқда.

Барчамизни Ватанига садоқатли, эл-юрти, халқи ҳамда дини йўлида хизмат қиладиган ҳақиқий ватанпарвар бўлиб яшаш бахтига муваффақ айласин.